

References

1. Report "Twelve solutions for new education". –Moscow: 2018.
2. Usachev A.S. "Information navigators" and the organization of independent work of students. //Higher education in Russia. 2012. № 2. –P.110-115.
3. Zmeeva T.E. The formation of independent creative activity in teaching a foreign language. //Higher education in Russia. 2015. № 11. –P. 154-158.
4. Vulfovich E.V. Organization of independent work in a foreign language based on the "inverted class" model. // Higher education in Russia. 2017. № 4. –P. 88-95.
5. Ibragimov G.I., Ibragimova E.M. Features of the learning process in a modern higher school. // Innovations in education. 2014. № 12. –P. 46-61.
6. Ibragimova E.M. Methodological recommendations to teachers on the formation of students' research competence in the process of problem-based learning. / E.M. Ibragimova, I.E. Idiyatov // Methodical manual for teachers. -Kazan: Kazan Publishing House. un-ta, 2016. –P. 52.
7. Novikov A.M. Foundations of pedagogy. Manual for textbook authors and teachers. - M.: Publishing House "Egves", 2010, - P.208.

REZYUME

Ilmiy-uslubiy adabiyotlarni tahlil qilish asosida ushbu maqolada talabalarning mustaqil ishini tashkil etish masalasi dolzarb ahamiyat kasb etadi, oliy maktab o'qituvchisining yangi funktsiyalari va rollari ko'rib chiqiladi hamda o'quv jarayonida talabalarning mustaqil ishini rag'batlantirish va qo'llab-quvvatlashning asosiy usullari taklif etiladi.

РЕЗЮМЕ

На основе анализа научно-методической литературы в статье актуализируется проблема организации самостоятельной работы студентов на современном этапе развития образования, рассматриваются новые функции и роли преподавателя высшей школы и предлагаются основные способы стимулирования и поддержки самостоятельной работы студентов в учебном процессе.

SUMMARY

Based on the analysis of scientific and methodological literature, the article actualizes the problem of organizing independent work of students at the present stage of education development, considers new functions and roles of a higher school teacher and suggests the main ways to stimulate and support independent work of students in the educational process.

ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИ МУҲИТИДА БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КРЕАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ш.Арзиев – мустақил тадқиқотчи

Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институти

Ж.Оринбаев номидаги Қорақалпоғистон филиали

Таянч сўзлар: кластер, модул, таълим жараёни, шакл, усул, сифат баҳолаш, креативлик, когнитив, ижод.

Ключевые слова: кластер, модуль, учебный процесс, форма, метод, качества, оценит, креативность, когнитив, творчество.

Key words: cluster, module, educational process, form, method, qualities, appreciate, creativity, cognition, creativity.

Ўзбекистонда «узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим хизматларига имкониятларни ошириш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш; умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, биология, жисмоний тарбия каби талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўргатиш; иш берувчиларнинг эhtiёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда олий таълим тизимида фаолиятининг сифати ва самарадорлигини ошириш» устувор вазифа сифатида белгиланди [1]. Таълим кластери муҳтида бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг креатив компетентлигини ривожлантириш жараёнларини такомиллаштиришда узлуксиз таълим тизимидаги юқорида таъкидланган масалалар ҳудудий ҳокимликлар ва уларнинг тасарруфидаги тегишли бўлинмаларнинг айна масала бўйича тизимли иш олиб бориши натижасида ўзининг ижобий ечимини топиши мумкин. Ўз навбатида таълим тизимида шундай янги механизм яратилиши ҳаётий заруратга айландики, унда таълим турлари ўртасида ўзаро назорат ҳам, рақобат ҳам, манфаатларнинг қондирилиши ҳам таъминланиши зарур. Узлуксиз таълимнинг жамият барқарор ривожланишидаги юқори ижтимоий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда замонавий талаблар, тизимдаги муаммолар ва уларни ҳал қилишда таълим турлари ва таълим мазмунини интеграциялаш узлуксиз таълимни кластерлаштириш асосида ривожлантиришни тақозо қилмоқда.

Таълим кластери муҳтида бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг креатив компетентлигини ривожлантириш жараёнларини такомиллаштириш муаммоси ечимига қаратилган мазкур тадқиқотда кластер ёндашуви асосида таълим сифатини оширишга эътибор қаратилганлиги сабабли дастлаб, кластер тушунчасига, унинг тарихий тараққиёти ва даврий ўзгаришлар мазмуни бўйича келтирилган тавсифларни

таҳлил этиш лозим.

Таълим тараққиёти амалга оширувчи «Кластер» тушунчаси биринчи бўлиб иқтисодиёт соҳасида жорий этилди. Мазкур соҳадаги кластер назариясининг асосчиси Гарвард бизнес мактаби профессори М. Porter кластернинг шаклланиш механизмининг ўзаро рақобатбардошликнинг ўсишига сабаб бўладиган бир-бирига бевосита боғлиқ соҳаларнинг жамланиши, деб тушунтирди ва ушбу ҳамкорликнинг давлат иқтисодиётидаги ролини аниқлаб берди.

Мазкур тушунча Т.И. Шамова томонидан ҳам талқин этилиб, кластерни рақобатбардош, самарадорликка эришишдан манфаатдор бўлган алоҳида соҳалар бирлашишининг ташкилий шакллари кучайтириш механизми, дея тавсифланди. Л. Беспалова эса кластерни ихтиёрий компонентлар қаторида ўзининг тўлиқ функционал ишчанлик қобилиятини сақлайдиган бир неча бўлақлардан иборат бўлган тузилма, деб ҳисоблайди.

Узлуксиз таълим мазмунига кластер ёндашувининг кириб келиши инновацион жараён бўлиб, олий таълим тизимида амалга оширилиши лозим бўлган янги ёндашувлар сифатида таълим турлари ўртасида ўзаро манфаатли алоқадорликнинг инновацион-интеграцион ёндашувлардаги механизмларини келтириб ўтиш мумкин.

Узлуксиз таълим тизимига нисбатан бу каби инновацион ёндашув ҳақиқий ривожланиш жараёнининг мантиғига мос келса, таълим сифати самарадорлиги ортади. Айниқса, таълим муассасаларининг бошқарув тузилмасида мавжуд муаммоларга нисбатан муносиб янги ёндашувлар жорий қилинса, мавжуд вазиятни олдиндан баҳолай олиш, ҳодисаларнинг ривожланишининг тўғри тахмин қилиш, ўз вақтида чоралар кўриш ва ташкилий бошқарув тузилмасига тузатишлар киритиш имкониятлари пайдо бўлади. Таълим жараёнида

кластер бу каби муаммоларнинг ечимига нисбатан тўғри ёндашувни қарор топтиради.

Таълим мазмунида “Кластер” мослашувчан тарзда ўз тузилмалари учун бошқарув тизимини яратиш, ўзаро ишончни таъминлаш учун ҳақиқий ривожланишни олдиндан тахмин қилиш имконини беради. Таълим тизимининг таркибий қисмларида сифат ўзгаришлари бўлиши, мазмунли фаолият, умумий ва махсус бошқарув функциялари, дастур, технология ва усуллари, иштирокчиларнинг кадрлар салоҳиятини ривожлантириши билан боғлиқ жараёнлар кластер муҳитини яратиш имкониятини беради.

“Педагогик атамалар луғати” да “креативлик (ижодийлик) – шахснинг ижобий лаёқатини ўрганиш ва баҳолаш методикалари мажмуаси”, деган таъриф келтирилган [2].

Тадқиқот муаммоси ечимига оид илмий адабиётлар таҳлил шундан далолат берадики таълимга кластерли ёндашувли моделлари Европа амалиётида етарли даражада мавжуд бўлиб, Россия тажрибасида кластер сиёсати асосан уларни шакллантириш ва ривожлантириш тамойилига асосланади. Рус олимаси Т.И.Шамова таълимни ривожлантиришга кластер ёндашуви индивидуал субъектлар ва кластер иштирокчиларининг ўзига хос афзалликларини кучайтирадиган ижтимоий ҳамкорлик асосида амалга оширишга асосланганлигини кўрсатади. Таълим кластерлари моделининг ягона типологик хусусиятлари М.Ю.Баришников, И.И.Чиннова, А.В.Симоновлар томонидан таклиф қилинган. Тадқиқотчи Г.Э.Захидов томонидан ҳам кластерни шакллантириш усуллари норматив-ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий-коммуникатив соҳалар бўйича таҳлил қилинган.

Л.В.Овсиенко, И.В.Зиминова, Н.Н.Клинцова, Ш.С. Шарипов [3], Г.Н. Ибрагимова [4] ва бошқалар каби олимларнинг тадқиқотларида таълим кластерлари ижтимоий шериклик доирасида университетлар, олий таълим мактаблари, корхоналарнинг тармоқ алоқалари ўртасидаги фаолият сифатида тушунилади. Айнан шу мазмун тадқиқот доирасида тақдим қилинадиган таълим кластери тузилмасида ўз аксини топмоқда. Таълим соҳасидаги кластерли ёндашув борасидаги тадқиқотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш бу борадаги бир қанча қарашларни жамлаш, уларни анализ-синтез қилган ҳолда тавсифини бериш имконини берди.

Юқоридаги илмий адабиётлар таҳлилдан хулоса қилиб айтиш мумкинки, таълимга нисбатан татбиқ қилинаётган кластер ёндашуви бу алоҳида бир соҳада самарали ҳамкорликка йўналтирилган тузилма тузиш, унинг ривожланиш учун қўшимча имкониятлар берадиган янги хизмат бўлиб, ундаги узвийлик, узлуксизлик ва изчиллик соҳа фаолияти самарадорлигини интенсив оширишга катта таъсир кўрсатади; таълим соҳасидаги кластер ёндашуви белгиланган ижтимоий буюртмани таъминлашнинг қулай тузилмасини тизимга татбиқ этишни назарда тутати.

Таълим кластери муҳитида бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг креатив компетентлигини ривожлантириш жараёнларини такомиллаштириш муаммоси таҳлилларидан келиб чиқиб, тадқиқот доирасида “таълим кластери”га қуйидагича таъриф бериш мумкин: “таълим кластери таълим турларининг горизонтал ва вертикал ҳолатдаги ўзаро боғлиқ таркибий бўлимлардан, ўзига хос интеграл белгилардан иборат, жамият эҳтиёжидagi ижтимоий буюртмани мақсад умумийлиги ва манфаат хусусийлиги тамойили асосида таъминловчи, илмий-технологик инфраструктура ҳамда инсон ресурслари интеграциялашувини, тезкор мулоқот тизимини тақдим қилувчи, турли даражаларда (давлат, минтақа, ҳудуд,

муассаса) рақобат муҳитини шакллантирувчи, инновацион лойиҳаларни самарали оммалаштирувчи тузилма ҳисобланади.

Узлуксиз таълим мажмуасини ташкил қилувчи бўғинлар ўртасида мавжуд табиий алоқани манфаатдорлик ва самарадорлик нуқтаи назаридан, маълум ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда таъминлаш тобора заруратга айланмоқда. Кластер назариясига билдирилган илмий асосларга кўра, кластерга қўшимча тузилмаларни қўшиш унинг фаолиятини янада ривожлантиради, шуниндек, кластер таркибидаги мавжуд тузилмаларини олиб ташлаш унинг фаолиятини ҳалокатли оқибатларга олиб келмаслиги билан қулай.

Маълумки, истеъмолчи талабларига жавоб берадиган мутахассис фақатгина олий ўқув юртида муайян бир йўналишдаги компетенцияларни эгаллаши билан таъминланмайди, бу бўлажак мутахассисни тайёрлашнинг дастлабки бўғинларида индивидуаллаштирилган, ихтисослаштирилган ва табақалаштирилган таълим жараёнларида ўз аксини топади. Олий ва умумий ўрта таълим турлари ўртасидаги кластер тузилмасини тузиш бу мақсадни амалга оширишга нисбатан самарали тенденция ҳисобланади. Тадқиқотда таълим кластерининг юқорида келтириб ўтилган назарий асосларидан келиб чиққан ҳолда унинг фаолиятини йўлга қўйиш технологияси ишлаб чиқилди. Бу технология асосида олий ва олий таълим муассасалари ўртасидаги янгича инновацион ёндашувни таъминлайдиган кластер тузилмаси ишлаб чиқилди. Таълим соҳасида кластер фаолиятини йўлга қўйиш босқичлари ва ҳар бир босқичдаги технологик жараёнлар методологияси ишлаб чиқилди. Таълим кластери муҳитида бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг креатив компетентлигини ривожлантириш жараёнларини такомиллаштиришда таълим кластери қуйидагича босқичда ташкил қилинади:

Биринчи босқичда кластер таркиби аниқланади. Бунда унинг негизи – жисмоний тарбия ўқитувчисини тайёрловчи олий ўқув юрти ёки унга ўхшаш тизимлар (мактабгача, умумий ўрта таълим, спорт мактаблари БЎСМ ва б.), ижтимоий институтлар аниқланиб, улардан вертикал бўйича ўзаро боғлиқ қуйи ва юқори турувчи тизимларнинг технологик занжирлари тузилади. Улар ўртасидаги ҳамкорликнинг мақсадлар умумийлиги ва

Манфаатлар хусусийлиги тамойили орқали ижтимоий буюртма ҳамда таълим хизматларини яратувчи, етказиб берувчилар ҳамда ташкил қилувчилар аниқланади. Биринчи босқичнинг сўнгида эса, барча тизимларнинг умумий манфаатлари асосида фаолият самарадорлиги учун қўшимча ички горизонтал боғланишлар шаклланади. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, кластер чегараларини аниқлаш мураккаб вазифалардан бири ҳисобланиб, кластер тузилмасининг мақсади, концептуал ёндашуви ва ижтимоий буюртмасини белгилаб олиш муҳим шартлардан бири ҳисобланади.

Иккинчи босқичда таълим кластерининг мақсадига кўра кластер қобиғида ички тармоқлараро бўлимлар, айниқса, унинг фаолияти учун самарали бўлган технологиялар, ахборот, капитал ҳамда инфратузилмани таъминловчи қисмлар ажратилади. Жисмоний тарбия ўқитувчисини тайёрловчи олий ўқув юрти ёки унга ўхшаш тизимлар (мактабгача, умумий ўрта таълим, спорт мактаблари БЎСМ ва б.) нинг самарали ҳамкорлик тамойиллари асосидаги фаолият механизмлари ишлаб чиқилади.

Учинчи босқичда кластер иштирокчилари фаолиятига таъсир этувчи (қоидалар, меъёрлар, буюртма ва воситаларни шакллантирувчи) ҳукумат,

вазирлик ва бошқа ўрта ва қуйи бошқарув тузилмалари каби вакиллик органлари аниқланади, улар ўртасида шартномалар тузилади. Умумий ва хусусий манфаатлардан ва талаблардан келиб чиқиб, қўшма дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқилади. Узвийлик, узлуксизлик ва изчиллик тамойиллари асосидаги ташкилий-педагогик жараёнлар ҳаракатга келтирилади. Истикбол натижалар белгиланади.

Таълим мажмуасининг асосий етказиб берувчи буюртмаси рақобатбардош кадрлар ва таълим хизматлари ҳисобланади.

Узлуксиз таълим кластерининг пировард мақсади ўқув ва илмий жараёнларни такомиллаштиришга қаратилган. Буэса тизимда бошқарув, тузилма ва сифат билан боғлиқ жиддий ўзгаришлар билан бирга мутақассисларни тайёрлаш тизимида айрим ташкилий ва таркибий ўзгаришларни ҳам талаб қилади. Айни пайтда, бу борадаги ишларнинг барча босқичларида

янги шакллар ва усулларни излаш, таълимнинг барча турлари бўйича алоқадорликни кучайтириш, интеграцияни таъминлаш масаласи ётади.

Хулоса қилиб шуни айтиш жойизки, таълимни кластерлаштириш билан боғлиқ илмий-амалий ишларни муваффақиятли амалга ошириш, уларда самарадорликка эришиш учун мавжуд технологик ва илмий инфраструктурани жараёнга мослаштириш, субъектларда тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш воситасида уларнинг мазкур инновацион жараёни тўла англаб етишларига эришиш, ҳамкорлик кўп томонлама манфаат келтиришини англашларига имкон яратиш, кластерни ривожлантиришнинг пухта ўйланган стратегиясини, лойиҳани муваффақиятли бошқаришнинг усул ва йўлларини ишлаб чиқиш, қатнашчилар ўртасида тезкор ахборот алмашиш имкониятини яратиш кластернинг муваффақият гарови, деган хулосага келиш мумкин.

Адабиётлар

1. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. –Т.: «Ғ.Ғулом», 2017. 70-72-б.
2. Джураев Р.Х. ва бошқалар. Педагогик атамалар луғати. –Тошкент: «Фан», 2008, 64-б.
3. Шарипов Ш.С. Педагогические условия формирования изобретательского творчества студентов. Аврефератдис. ...кан. пед. наук. –Ташкент: 2000. – С. 20.
4. Ибрагимова Г.Н. Интерфаол ўқитиш методлари ва технологиялари асосида талабаларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш. Пед. фан. Бўйича фалсафа док. дисс... автореферати. –Тошкент: 2017, 38-б.

РЕЗЮМЕ

Бу мақолада таълим кластери муҳитида бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг креатив компетентлигини ривожлантириш ва уни фойдаланиш йўллари кўрсатилган. Таълимнинг шакли ва усулларини бириктиришга ва шаклландирилган ўқув материалларининг мазмунини англаб етишига ёрдам берадиган материалларни асосан бўлади.

РЕЗЮМЕ

В данной статье показано, как развивать и использовать творческую компетентность будущих учителей физической культуры в условиях образовательного кластера. Вы можете получить материалы, которые помогут вам совместить формы и методы обучения и понять содержание сформированных учебных материалов.

SUMMARY

This article shows how to develop and use the creative competence of future physical education teachers in an educational cluster. You can obtain materials that will help you to combine the forms and methods of teaching and understand the content of the formed teaching materials.

OLIV TA'LIMDA TALABALARNI BAHOLASH TIZIMINI QAT'IYMAS YONDASHUV ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH

A.K.Bazarbaeva - stajyor tadqiqotchi

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedaqogika instituti

Tayanch so'zlar: ta'lim, sifat, qat'iymas matematik modellash, pedagogika, baholash, ekspert, intellektual, funktsiya, obyektlar.

Ключевые слова: образование, качество, нечёткое математическое моделирование, педагогика, оценка, эксперт, интеллектуал, функция, объекты.

Key words: education, quality, fuzzy mathematical modeling, pedagogy, evaluation, expert, intellectual, function, objects.

Jahon Oliy ta'lim muassasalari (OTM) tadqiqotchilari tomonidan ta'limning sifatini o'rnatish va talabalarni baholash tizimini modernizatsiya qilish bo'yicha qator ilmiy maqolalar, loyihalar va konsepsiyalar ishlab chiqilgan. Mahalliy va xorijiy [2-3] adabiyotlarda ta'lim sifati tushunchasi murakkab va ko'p qirrali deb e'tirof etilgan. Ishlab chiqilgan konsepsiyalarning ko'p qirraliligi ta'lim sifatini baholash bilan bog'liq muammolarni hal qilish masalalarini yechishda yordam beradi. Ko'pgina tadqiqotchilar ta'lim sifati samaradorligining yetarli darajada asoslangan mezonlari va ko'rsatkichlari yo'qligini tan olishadi va ularni shakllantirishga turli yondashuvlarni taklif qilishadi [4-5].

Davlatimizda so'nggi yillari har qanday tizimdagi tarkibiy o'zgarishlarni to'g'ri qayd etish va ularni miqdoriy korinishda aks ettirish imkonini beruvchi matematik modellash tizimlarini jalb qilgan holda ta'lim sifatini baholash muammosi faol ko'rib chiqilmoqda. Biroq, pedagogik obyektning har qanday matematik modeli noaniq ma'lumotlar ko'pligi bois odamlarning irodasi, maqsadlari va motivatsiyasi kabi subyektiv omillarni hisobga olish zarurati tufayli nihoyatda taxminiy va shartli hisoblanadi. Ushbu turdagi ma'lumotlarni rasmiylashtirishning moslashuvchan usuli amaliy matematikaning yangi yo'nalishi - qat'iymas modellash tizimi ishlatilishi olib boriladi.

Qat'iymas modellash tizimi lingvistik o'zgaruvchilardan foydalanish orqali sifat xususiyatlarini aks ettiruvchi

ma'lumotlarni qayta ishlashga imkon beradi, ularning qiymatlari tabiiy tilda ifodalanadi. Qat'iymas modellash tizimining asosini muammoli sohada mutaxassislarining empirik bilimlari yoki bilimlarni aks ettiruvchi qoidalar bazasi tashkil etadi. Pedagogik obyektlarni o'rganish uchun modellash tizimining ushbu turidan foydalanishning xususiyatlari, imkoniyatlari va afzalliklari V.M. Monaxovning ilmiy ishida aks ettiriladi. Pedagogika fanida qat'iymas modellash tizimi baholash va usullaridan foydalanish, xususan, ta'lim sifatini baholash bo'yicha tadqiqotlar tahliliga ko'ra ko'plab tadqiqotchilar undan foydalanish zarurligini ta'kidlasalar ham, ishlab chiqilgan va sinovdan o'tgan aniq usullar etarli emas. Bugungi kunga kelib, OTMda ta'lim sifatini baholash uchun qat'iymas modellash tizimi usullari va talabalarni baholash jarayonini yangi bosqichga olib chiqish masalalarini yechishning algoritmlari va baholash tizimi algoritmini ishlab chiqish dolzarb masalalardan biri bo'lib hisoblanadi [1].

Respublikamizdagi OTMlarida ta'lim jarayonlarini raqamli texnologiyalar asosida muvofiqlashtirish va takomillashtirish natijasida, OTMlarida tahsil oluvchilarning bilimlarini nazorat qilish va baholashning samarali yo'llari sifatida qat'iymas matematik modellash tizimni qo'llash, bunday muammolarni hal qilish uchun evristika - eksperimental ma'lumotlarga, sezgilarga asoslangan bayonotlar qo'llashdan oldin maqsadga mos bo'lmagan yechimlarni yo'q qilish orqali qat'iymas